



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ички ишлар органларида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш ҳамда коррупциявий омилларни кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги ПҚ–81-сон қарорига мувофиқ, ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида, **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби ҳақидаги йўриқнома 2-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиши белгиланган Вазирлик соҳавий хизматлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ички ишлар органларида коррупциянинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ташкилий-амалий ишларни мониторинг қилиб бориш, манфаатдор идораларга маълумотномаларни ўз вақтида тақдим этиш вазифаларини Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширсин.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси (кейинги ўринда – Комиссия):

бир ой муддатда ички ишлар органлари тизимида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш бўйича чора-тадбирларни ўзида жамлаган дастур ишлаб чиқсин ва уни Вазирликнинг барча соҳавий ва ҳудудий бўлинмаларига юборилишини таъминласин;

ҳар йили республикамізда амалга оширилаётган ислохотлар, коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижаларига доир маълумотлардан келиб чиқиб дастурни янгилаб борсин;

дастурда белгиланган вазифалар ижроси таъминланишини алоҳида назоратга олсин;

Комиссия соҳавий ва ҳудудий хизматлар томонидан дастур ижроси бўйича ҳар чоракда маълумотларни қабул қилиб, тизимлаштирасин;

дастурнинг ижроси таъминланмаган бандлари бўйича масъулларга тегишли тартибда интизомий жавобгарлик масаласини кўриш учун раҳбариятга таклифлар киритсин.

Комиссия томонидан қабул қилган қарорлари барча ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилсин.

4. Вазирликнинг соҳавий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:

бир ой муддатда ҳудудий ички ишлар органлари тизимида ишлаб келаётган, ҳурматга сазовор, амалий тажрибага эга ходимлардан иборат тўрт кишидан кам бўлмаган таркибда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, вазифалари тасдиқлансин ва Комиссияга тақдим этилсин;

ҳудудий бўлинмаларда ташкил этиладиган ишчи гуруҳ таркибида шахсий хавфсизлик бўлинмаларидан бир нафар ходим бўлиши таъминлансин;

ишчи гуруҳга Комиссия томонидан қабул қилинган Дастурнинг ижроси таъминланаётганлиги бўйича назорат қилиш ваколати берилсин.

5. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (Х.В. Махсумов, Т.С. Жуманов):

ички ишлар органларида ташкил этиладиган “Маънавият ва маърифат” дарсларида доимий равишда коррупциянинг барвақт олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни тарғиб этувчи тадбирлар, давра суҳбатлари ташкиллаштирасин;

ходимларнинг оилавий шароитларини, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўрганиб, қонунчиликда белгиланган тартибда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳга таклифлар киритсин;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари самарадорлигини оширсин;

мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги ҳамда коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланганлигини тарғиб этувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

Вазирликнинг соҳавий хизматлари билан биргаликда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга чорловчи буклет, флаерлар тайёрласин;

ходимларнинг хизмат хоналарида, биноларга кириш эшикларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга чақирувчи баннерлар ўрнатилишини таъминласин.

6. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов):

ички ишлар органларида коррупциявий омилларни кескин камайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борсин;

коррупцияга қарши кураш ва жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган қисқа метражли видеороликлар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этилишини таъминласин.

7. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 30 мартдаги 53-сон буйруғи;

Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 1 апрелдаги 78-сон буйруғи;

8. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икромовга юклатилсин, умумий назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир
генерал-лейтенант

П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2022 йил 3 март
56-сон